

Шайх доктор Аҳмад Муҳаммад Фодил



14:00 / 01.06.2022 1715

Шайх доктор Аҳмад Муҳаммад Фодил Судандаги Умму Дармон исломий университетиде тафсир ва Қуръони Карим илмлари соҳасида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Таълим олган устозлари:

Аллома, шайх Абдурраззоқ Ҳалабий;

Аллома, шайх Муҳаммад Адиб Каллос;

Аллома, доктор Нуриддин Иътр;

Устоз, доктор Муҳаммад Алий Султоний.

Меҳнат фаолияти

Истанбулдаги Султон Муҳаммад Фотиҳ университетининг Ислом илмлари факультетида мударрис, Дамашқдаги Биладуш-Шом университетиде тафсир ва тафсир илмлари, ҳадис ва ҳадис илмлари мударриси, Биладуш-Шом университетининг усулуд-дин факультетида усулуд-дин ва фалсафа бўлимининг бошлиғи бўлиб фаолият юритган.

Шунингдек, Фатхул-Исломиё маъҳадида наҳв ва эъроб мударриси, «Дорун-наводир лит-турос», «Дорул-иймон» ҳамда «Нурус-сабоҳ» нашриётларида луғат мусахҳиҳи, китобларни танлаб таҳқиқ қилиш ҳайъатининг аъзоси, Дамашқ ва уни атрофидаги бир неча масжидларда имом-хатиб ва Дамашқдаги вақф вазирлигида кўрсатма ҳамда йўл-йўриқ ва имом-хатиблар имтиҳон ҳайъатининг аъзоси бўлган.

Китоблари

«Иттижаҳил-ъилманий ал-муъасир фий улумул Қуръанил карим» (Қуръони Карим илимларида илмоний ва замонавий йўналишлар);

«Қуръон тафсирини ўрганиш ва тадқиқ этиш, замонавий илмий ва ададий ўрганиш: кириш ва манҳажий усулий ёндашув»;

«Мақолати калимати филадаб ваннақд валфан валижтимаъ» (Адабиёт, тадқиқот, фан ва жамиятшуносликка оид мақола ва фикрларим);

«Ал-баян фии мабааҳис мин улумул-Қуръан» (Ал-Баён – Қуръон илмларидан бахслар);

«Таҳқиқ ва ихрож» (таҳқиқ ва тадқиқот);

«Насафий тафсирининг таҳқиқ ва тадқиқи» ;

«Суюклиларнинг суюклиси соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга»;

«Ваҳҳобийлар ва уларни полапонларининг фикрлари»;

«Замондош олим ва орифларнинг кароматидан»;

«Нубзатул қалб ва ваззатул фикр» (Юрак уриши ва фикр ёғдуси);

Адабий ўй-хаёллар ва фикрлар.